

## EDUCATION OF PRESCHOOL CHILDREN TO BE EDUCATED, EDUCATED, PHYSICALLY HEALTHY, STRONG

Zhumaniyazova Zlikha Reimovna

Tashkent city, Tashkent State Medical University

Department of "Methods of preschool education." Senior Teacher

### Annotation

Strengthening children's spiritual immunity in preschool education, meaningful organization of their leisure time, engaging them in various fields of art, taking into account their interests and abilities, organizing a wide range of books, various sports, etc. Emphasis is placed on the development of reading skills, the formation of basic skills in various professions in various games and competitions.

**Keywords:** Initiative, talent, national games, talent, educational tools, traditions.

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг, ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш бўйича 5 та муҳим ташаббус асосида мактабгача таълим ташкилотида болаларнинг маънавий иммунитетини кучайтириш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, уларнинг қизиқиши, лаёқатини ҳисобга олган ҳолда санъатнинг турли йўналишларига жалб этиш, спортнинг турли турлари бўйича тўғарақлар ташкил этиш, саломатлигини мустаҳкамлаш, уларни ҳар томонлама чиниқтириш, компьютер соҳасига қизиқишларини ошириш, китоб мутолааси билан шуғулланиш, турли касб-хунарга бўлган илк кўникмаларини турли ўйинларда, мусобақаларда шакллантириб боришга аҳамият қаратилмоқда.

Ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш бўйича 5 та муҳим ташаббус қўйдагилар;

Биринчи ташаббус: Мактабгача таълим ташкилотларида тарбияланувчиларнинг мусиқа, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишларини оширишга, истеъдодини юзага чиқаришга қаратилган тадбирларни ташкил этиш.

Иккинчи ташаббус: ёшларни жисмоний чиниқтириш, уларнинг спорт соҳасида қобилиятини намоён қилишлари учун зарур шароитлар яратишга йўналтирилган тадбирларни узвийлигини таъминлаш.

Учинчи ташаббус: Мактабгача таълим ташкилотларида педагог ва ҳодимларнинг компьютер технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланишни ташкил этиш.

Тўртинчи ташаббус: Мактабгача таълим ташкилотларида педагог ва ҳодимлар, тарбияланувчиларнинг маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш.

Бешинчи ташаббус: Хотин – қизларни иш билан таъминлаш каби топшириқларини бажариш учун, болаларнинг маънавий иммунитетини кучайтириш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишда 5 та ташаббус муҳим аҳамият касб этади.

Шунинг учун, миллий ўйинлар болаларни иймонли, эътиқодли, ақлий баркамол, соғлом қилиб тарбиялашда ёрдам беради. Халқ ўйинлари болаларнинг эстетик дидини оширади, одобли, ахлоқли қилиб тарбиялайди. Уларнинг тил бойлигини эшлаш қобилиятини, онгини ривожлантирилади. Болалар санаш, қўшиқ, шеър айтиш орқали чаққон ва зийрак бўлиб ўсади. Миллий ўйинлар воситалари билан мактабгача ёшдаги болаларини эстетик тарбиялашда, мактабгача таълим ташкилотининг тарбиячи педагог ва жисмоний тарбия



Йўриқчисининг роли катта эканлаги болаларда маънавий-эстетик дунёқарашини таркиб топтиришда муҳим ижтимоий-педагогик аҳамиятга эга эканлиги далиллар билан асосланган. Ҳар бир тарихий давр бир қатор миллий қадриятлар тизимида муайян таълимий ва тарбиявий аҳамият касб этувчи ўз ўйинларини ҳам яратади ва бу ўйинлар ўз давридаги инсонни тарбиялашда муҳим ўрин тутди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Бешта муҳим ташаббус” ни ўрганиш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар ишида ўз аксини мактабгача таълим ташкилотларидаги тарбияланувчиларнинг мусиқа, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишларини оширишга, истеъдодини юзага чиқаришга қаратилган тадбирлар ташкил этишни ва ёшларни жисмоний чиниқтириш, уларнинг спорт соҳасида қобилиятини намоён қилишлари учун зарур шароитлар яратишга йўналтирилган тадбирларни узвийлигини таъминлашни шунунгдек, мактабгача таълим ташкилотларида педагогларнинг компьютер технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланишни ташкил этишини ва мактабгача таълим ташкилоти педагог ва ҳодимларнинг, тарбияланувчиларнинг маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиши ишларини йулга қуйиш энг овало Хотин – қизларни иш билан таъминланлашга эътибор беришимиз зарур эканлигини кўрсатиб берган.

Мактабгача таълим ташкилотларида юқоридаги чора-тадбирларни амалга ошириш учун қуйдаги тадбирлар тартибида ишларни ташкил қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Мактабгача таълим ташкилоти ходимлари ўртасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Бешта муҳим ташаббус”ни чуқур ўрганиши.

Мактабгача таълим ташкилотининг буйуғи ва чора-тадбирлари режасини ишлаб чиқиш, ижросини бандма-банд таъминланиб борилиши,

Мактабгача таълим ташкилотларида тарбияланувчиларнинг мусиқа, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишларини оширишга, истеъдодини юзага чиқаришга қаратилган тадбирлар ташкил этишда;

- Мактабгача таълим ташкилотлари мусиқа залларининг жиҳозланиш ҳолатини “Мен ҳам Ватан ҳимоячисиман” ҳарбий-ватанпарварлик бадиий- тадбир ўтказиш, “Мен ҳам Ватан ҳимоячисиман” ҳарбий-ватанпарварлик бадиий-тадбир ўтказиш, хатловдан ўтказиш ва натижалари бўйича туман(шаҳар) Мактабгача туман бўлимига таклифлар киритиш

- Мактабгача таълим ташкилотларида “Ватанимни кўлайман”, “Гимнастрада” мусиқий бадантарбия тадбирларини ўтказиб бориш

- Кичкинтой кизларимизни тарбиялашда “Зумрадойлар давраси” тўғараги бўйича тадбирларини ташкил этиш

- “Табиатни асраймиз, “Осмономиз мусаффо булсин”, “болаларга беринг дунёни” мавзуларида расмлар танловини ўтказиш (ғолибларни тақдирлаб бориш).

- Мактабгача таълим ташкилотларида ташкил этилган кўғирчоқ театрлари фаолиятини такомиллаштириб, болаларни мусиқа, рассомчилик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа қизиқишларини оширишга истеъдодини юзага чиқаришга кўмаклашиш зарур.

Ёшларни жисмоний чиниқтириш, уларнинг спорт соҳасида қобилиятини намоён қилишлари учун зарур шароитлар яратишга йўналтирилган тадбирларини ташкил этиш;

- Мактабгача таълим ташкилоти жисмоний тарбия йўриқчисининг иш фаолиятини назорат қилиб бориш;



- Мактабгача таълим ташкилотларида спортнинг турли йўналишларда ғолиблари билан учрашувлар ташкил этиб, болаларда спортга бўлган қизиқишларини орттириш;
- “Мен ҳам Ватан ҳимоячисиман” ҳарбий-ватанпарварлик бадий- тадбирин ўтказиш;
- болалар ўртасида эркин кураш, шахмат-шашка спорт эстафеталарини ўтказиб, ғолибларни тақдирлаб бориш;
- ўтказилган танловларда ғолиб бўлган болаларни аниқлаш, уларнинг ота-оналари билан суҳбатлашиб, иқтидорларини ривожлантириш мақсадида спорт тўғрақларига жалб этишда болаларни жисмоний чиниқтириш, уларни спорт соҳасида қобилиятларини намоён қилишлари учун зарур шарт-шароитлар яратишимиз керак.
- Мактабгача таълим ташкилотларида педагог ва ҳодимларнинг компьютер технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланишни ташкил этиш;
- Мактабгача таълим ташкилотин компьютер билан таъминланганлигини ўрганиш, хатлов натижалари асосида туман (шаҳар) молия бўлимига таклифлар киритиш.
- Мактабгача таълим ташкилотида фаолият юритаётган педагоглар ўртасида “Компьютер саводхони” кўрик-танлов ўтказиш.
- педагог ва ходимларнинг АКТдан фойдаланишини кузатиб бориш. Жамиятимиз ва мактабгача таълимда руй бераётган янгиликлардан тезкор хабордор бўлишларини назорат қилиш.
- АКТдан фойдаланишида ноқонуний сайдларга кирмаслигини назорат қилиб бориш ва болалар ўртасида компьютер технологиялари ва қурилмаларини ва интернетдан самарали фойдаланишни ўргатиш.
- Мактабгача таълим ташкилотларида педагог ва ҳодимлар, тарбия-ланувчиларнинг маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш;
- Мактабгача таълим ташкилотларида педагог ва ҳодимлар, тарбия-ланувчиларнинг маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш мақсадида кутубхоналар (китоб бурчаклар)фаолиятини такомиллаштириш
- “Мен севган эртақ қаҳрамони”, “Бувимнинг эртақлари”, “Менинг кутубхонам” мавзуларида китоблар тарғиботини олиб бориш
- Китобхонликни тарғиб қилиш мақсадида раҳбар ва ходимлар, тарбиячи-педагоглар билан китоблар совға қилиш акциясини ташкил этиш
- Мактабгача таълим ташкилотларида хафтанинг ҳар жума куни ўтказилаётган маънавият соатлари мавзуларини президент асарлари билан боғлаб бориш
- Мактабгача таълим ташкилотларида педагог-тарбиячилар билан туркум маънавий – маърифий учрашувлар ташкил этиб боришда болалар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш бўйича тизимли ишларни ташкил қилиш.
- Хотин-қизларни иш билан таъминлаш каби топшириқларини бажаришни ташкил қилиш;
- Мактабгача таълим ташкилотларда фаолият олиб бораётган хотин-қизлар кўмиталари фаолиятини такомиллаштириш, улардаги мавжуд муаммоларни атрофлича ўрганиб бориш.
- Мактабгача таълим ташкилотларда хотин-қизларни иш билан таъминлаш мақсадида туман (шаҳар) бандлик кўмаклашиш бўлими хамкорликда бўш иш ўринлари ярмаркаларини ўтказиб, қизларимизни ҳунарли қилиб тарбиялаб бориш.
- Амалга оширилган ишлар ҳақида маълумотларни умумлаштириб туман (шаҳар) Мактабгача таълим бўлимига тақдим этиш

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Бешта муҳим ташаббус” буйича мактабгача таълим ташкилотларида ушбу, чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқишини ташкил этиш зарур.

Шунунгдек, мактабгача таълим ташкилотида ҳафта кунларининг номланиши қўйдагича;

1-кун, Санъатим- фахрим менинг

2-кун, Ҳунар-туганмас хазина

3-кун, Китоб-маънавиятга элтувчи куч

4-кун, Спорт-тинчлик тимсоли

5-кун,Компютер саводхонлигини мактабгача таълим ташкилотларида.

Ёш авлодни хар томонлама камол топган, етук, жисмоний соғлом, бақувват қилиб тарбиялаш, энг муҳим вазифаларидан биридир. Шундай экан келажагимиз бўлмиш боланинг илк ёшлик чоғидан бошлаб уларнинг ўсиши ва тарбияси билан жиддий шуғунланиш таълим–тарбия усули ва воситаларидан унумли фойдаланиш жоиздир. Болаларга тарбия ҳақида гапирар эканмиз, болалар учун энг севимли ва қувончли восита бўлган ўйин эканини ёдимизда сақлашимиз керак бўлади.

### **Адабиётлар рўйхати:**

1. “Ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш буйича 5 та муҳим ташаббус” Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев 2019 йил 20 март.
2. “Илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган Давлат талаблари” Т.: 2018.
3. “Илк қадам” давлат ўқув дастури. Т., 2018
4. Ишмухамедов Р.Ж., Юлдашев М. Таълим ва тарбияда инновацион педагогик технологиялар.Т.: “Нихол” нашриёти, 2016 й.
5. Қодирова Ф.Р. ва бошқ. Мактабгача педагогика., Тошкент, “Маънавият”, 2013й. (Ўқув қўлланма).
6. Усмонхужаев Т. “Миллий ҳаракатли ўйинлар” Тошкент - 2008й.